



## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, белгиланган вазифалар ижроси билан танишиш мақсадида 19-20 январь кунлари Сурхондарё вилоятида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташрифининг иккинчи кунини Жануби-ғарбий маҳсус округига қарашли ҳарбий қисмда бўлди. Ҳавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги йиғилишида берилган вазифалар қандай бажарилаётгани билан танишди. Ҳарбийлар билан мулоқот қилди.

Мамлакатимизда янги таҳрирдаги Мудофаа доктринаси қабул қилинди. Ундан кўзланган асосий мақсад миллий армиямиз жанговар қудратини ошириш, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини янада мустаҳкамлашдир, деди давлатимиз раҳбари. Доктринада Ўзбекистон ташқи сиёсатининг очкилик тамойили, яқин кўшнлар билан дўстона ва амалий муносабатларни ривожлантириш, давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини янада мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилди.

Мамлакатимиз геостратегик жойлашувининг ўзига хослиги, шунингдек, минтақада юзага келаятган ҳарбий-сиёсий вазиятни ҳисобга олган ҳолда, Қуролли Кучлар бирлашмаларининг вазифа ва тузилмалари қайта қўриб чиқилди. Мудофаа саноати бўйича давлат кўмитаси тузилди. Ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасида олиб борилаётган тизимли ўзгаришлар асосида Қуролли Кучлар академиясининг фаолияти тубдан қайта ташкил этилди. Мудофаа вазирлиги қўшинларини қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ва алоқа воситаларининг замонавий турлари билан таъминлаш ишлари янги босқичга кўтарилди.

Ҳарбийларимиз жисмонан бақувват, маънан юксак, замонавий билимларни пухта ўзлаштирган шахслар бўлиши керак, деди Президентимиз. Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби буюк аждодларимизга муносиб хизмат қилишлариниғ лозим, токи ёшларимиз ватанпарварлик ва она юртга садоқат туйғуларидан сиздан ўрнак олсин.

Учрашувда ҳарбийларнинг хизмат ва яшаш шароитини яхшилаш, фарзандлари олий ўқув юртиларида ўқишида имтиёзлар жорий этиш, уларни уй-жой билан таъминлаш ишларини янада жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди. Бунинг учун жойларда ташкил этилган ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятини такомиллаштириш лозимлиги айтилди. Ҳарбийлар ва уларнинг оилалари учун барча шароит яратиб берилди.

Мамлакатимизда санъат саройлари, театрлар фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги сахна асарлари яратиш, аҳолининг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Термиз шаҳридаги 700 ўринли замонавий Санъат саройи ҳамда 3 минг ўринга мўлжалланган амфитеатрда «Файз-Бинокор-Олтиариқ» хусусий корхонаси қурувчилари томонидан 82 миллиард сўмликдан ортқ қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Франция, Англия, Испания, Россия ва Хитойдан келтирилган замонавий овоз ёзиш ҳамда соझаш, ёритиш тизими жиҳозлари, мониторлар ўрнатилди. Санъаткор ва томошабинлар учун барча қулайлик яратилди.

Худуди 32,5 гектар бўлган масканнинг атрофи ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилди. Мусиқали фаввора, автомобиллар туррадиған жой қурилди, замонавий ёриткичлар ҳамда ўриндиқлар ўрнатилиб, турли дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур маданият масканига таниқли санъаткорларни тақлиф қилиб, ҳамкорликда маҳорат дарслари ўтказиш, «устоз-шогирд» анъанасини янада ривожлантириш, Ҳаким Термизий ва Алломиш ҳақида спектакллар саҳналаштириш лозимлигини қайд этди.

Шавкат Мирзиёев «Амударё» болалар соғломлаштириш оромгоҳида яратилган шароитлар билан ҳам танишди.



Давлатимиз раҳбари Сурхондарё вилоятига аввалги ташрифи чоғида Термиз шаҳрида «Амударё» болалар соғломлаштириш оромгоҳи барпо этиш лойиҳаси билан танишиб, худудда инфратузилма объектларини кўпайтириш бўйича топшириқлар берган эди.

Шунга мувофиқ, Сурхондарё дарёси бўйида 200 ўринли дам олиш маскани қурилиб, ўтган йил ёз мавсумида фойдаланишга топширилди. Оромгоҳда умумтаълим мактабларининг иқтидорли ўқувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, имконияти чекланган болалар дам олдирилиб, соғломлаштирилади.

Маскан 6,2 гектар майдонни эгаллаган. Тўртта ётоқхона, амфитеатр, ошхона, сузиш хавзаси, спорт майдонлари, бошқа бино ва иншоотлар бунёд этилиб, зарур инвентарлар билан жиҳозланган. Болаларнинг мазмунли ва мароқли дам олиши, бўш вақтида турли тўғарақларда қатнашиб, билим ва салохиятини мустаҳкамлаши учун ҳар томонлама қулай шароит яратилган.

Оромгоҳга кираверишдаги ота-оналар фарзандлари билан учрашадиган бинода иккита фитобар, ахборот-ресурс маркази, маънавият ва маърифат хонаси, машғулот заллари мавжуд. Инглиз тили, тасвирий санъат, моҳир кўллар, компьютер саводхонлиги каби ўн бешга яқин тўғарақда малакали мураббийлар машғулот олиб боради. Тиббиёт бўлимида болалар учун физиотерапевтик муолажалар, фитодалолаш хизматлари, жисмоний тарбия машқлари ўтказиш ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари муассасада болаларнинг мароқли дам олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, овқатланиши ва яшашини учун яратилган шароитлар билан танишди.

Жорий йил март ойидан оромгоҳ йил давомида узлуксиз фаолият юрита бошлайди. Унга мамлакатимизнинг барча худудларидадан фан олимпиадалари, халқаро танлов ва спорт мусобақалари ғолиблари бўлган 5-11-синф ўқувчилари, ёзги таътилда энча минг нафар ўғил-қиз қабул қилинади.

Бугунги кунда оромгоҳ Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тасарруфига ўтказилиб, уни халқаро ёшлар оромгоҳига айлантириш режалаштирилмоқда. Яқин вақтлар ичида бу ерга қўшни мамлакатлар ва узоқ хориждан болалар келиши кўтилмоқда. Бу борада Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва БМТнинг ЮНИСЕФ ташкилоти ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Оромгоҳ ҳузурида умумтаълим мактаби барпо этилган. Мактаб негизида 125 ўринли 22-болалар мусиқа, санъат ва бахшичилик мактаби ҳам фаолият юритади. Ўқувчилар бу ерда бахшичилик ва ўзбек халқ чолғуларидан сабоқ олади. Дарс машғулотларини ўқитувчилар билан бирга Ўзбекистон халқ бахшилари ҳам олиб боради.

Президентимиз мактабни кўздан кечириб, Ўзбекистон халқ бахшилари Шоберди Болтаев ва Абдуназар Поёнов билан мулоқот қилди.

Достончилик ва бахшичилик — миллий ғуруримиз. Унинг замиридаги эзгу қадриятларни халқимизга етказиш лозим. Бахшичилик мактабни халқ оғзига ижодининг ноёб дурдоналарини асрашга, уни ривожлантиришга, бахшиларнинг обрўсини кўтаришга хизмат қилиши керак. Жорий йил Наврўз байрами арафасида юртимиз бахшиларининг биринчи республика семинарини ташкил этамиз, уни ҳар йили муайян бир вилоятда ўтказишни йўлга қўямиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари «Мустақиллик бахшилари» китобини чиқариш, Сурхондарё вилоятидаги болалар мусиқа ва санъат мактабларида ҳам ушбу санъат турини ўқитиш юзасидан топшириқлар берди.

Шу ерда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар тақдими ҳам ўтказилди.

Президентимиз 2017 йил 4-5 апрель кунлари Россия Федерациясига ташрифи чоғида ушбу мамлакат инвестиция компаниялари билан Бойсон туманидаги «Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги» газ конини ўзлаштириш, унинг негизида газни қайта ишлаш заводи ва газ-кимё мажмуаси қуриш бўйича махсулот тақсимоти оид битим имзоланган эди. Лойиҳа 2023 йилда ишга туширилиши режалаштирилган. Натижада бу ерда йилга 4 миллиард кубометр газ қайта ишланиб, полимер махсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

«Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти бюрократис асосида ўтган йил охирида Тўполанг дарёсида тўғон қуриб битказилган эди. Айни пайтда бу ерда коммуникация ишлари амалга оширилмоқда. Тўғоннинг баландлиги 180 метр, йиғиладиган сув ҳажми 500 миллион кубометрни ташкил этади.

Тўғон ишга туширилиши билан Тўполанг дарёсининг оқори қисмида қурилган ГЭСда қўшимча 145 мегаваттли гидротурбиналар ўрнатилиб, ГЭСнинг умумий қуввати 175 мегаваттга етказилади. Бундан ташқари, Тўполанг дарёси ўзанида Зарчоб каскад ГЭСлари қурилиш ишлари олиб боришмоқда. Унинг қуввати 75,6 мегаватт соатни ташкил этади.

Уқизил сув омбори бўйидаги «Термиз марвариди» санаторийси худудида 200 ўринли дам олиш ва кўнғилочар маскан бунёд этилмоқда. Мажмуа майдони 7,2 гектар. Бу ерда меҳмонхона, сузиш хавзалари, умумий овқатланиш шохобчалари, 3D кинотеатр, уйин

қурилмалари, мусиқали фавворалар ва бошқа объектлар қурилиши мўлжалланган. Сув омбори қирғоғида чўмилиш худуди, қайиқлар бекати ташкил этилмоқда. Маскан 2018 йил 1 июнда фойдаланишга топширилди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига мувофиқ, Термизда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ва Тошкент тиббиёт академияси филиаллари ташкил этилмоқда.

Шавкат Мирзиёев мазкур филиалларни ўқув биналари ва ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш масалаларига тўхталар экан, талабаларни қабул қилишда адолат мезонларига қатъий амал қилиш кераклигини таъкидлади. Талабаларни дарсдан ташқари амалиётга кенгрок жалб этиш, улар билимини бевосита қўллай олиш кўникмасига эга бўлиши зарурлиги қайд этилди.

Сурхондарё вилоятида кадрларга бўлган эътиёжни ўрганиб чиқдик. Вилоят ёшларини шу ернинг ўзига ўқитиш лозим. Таълим сифатини ошириш учун Тошкент тиббиёт академияси ва унинг Термиз филиали ўртасида дарсларни онлайн режимида ўқитишни йўлга қўйиш керак. Таълимнинг бундай ноанъанавий усулида ҳам ўқитувчилар салоҳиятидан унумли фойдаланилади, ҳам фандаги илғор тажрибани худудларга етказишга эришилади, деди Президентимиз.

Мамлакатимизда касаликлар профилактикасини замон талаблари асосида амалга ошириш, уларни самарали даволашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, жойларда янги-янги шифохоналар очилмоқда. Соҳадаги ўзгаришларни изчил амалга ошириш, замонавий кадрларга бўлган талабни ўз вақтида хал қилиш мақсадида филиалларни жорий йил 1 февралдан ишга тушириш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

Президентимизнинг Сурхондарёга ташрифи доирасида вилоят иқтисодиётини янада юксалтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга оид қатор истиқболли лойиҳалар белгилаб берилди. Давлатимиз раҳбари вилоят фаоллари билан учрашиб, уларнинг ўй-фикрлари билан қизиқди, ҳаётий тақлифларини эшитди, мавжуд муаммоларни қисқа муддатларда хал этиш юзасидан топшириқлар берди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
**Умар АСРОРОВ,**  
**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**  
**ЎЗА махсус мухбирлари.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

### 2017-2021 йилларда Ўзбекистон РЕСПУБЛИКАСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР Йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСНИ «ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ Қўллаб-қувватлаш йили»да амалга ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ Тўғрисида

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси (кейинги ўринларда Ҳаракатлар стратегияси деб юритилади) ўрта муддатли истиқболда давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб берган энг муҳим дастурий ҳужжат ҳисобланади.

2017 йилда Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда алоҳида эътибор «Инсон манфаатлари — ҳамма нарсдан устун» деган тамойил ва «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган эзгу ғоянинг, энг аввало, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш ҳамда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг реал ҳимоя қилинишини таъминлаш орқали ҳаётга амалий татбиқ этилишига қаратилди.

Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида 30 дан ортқ қонунлар ҳамда 900 дан ортқ қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши кенг кўламли ислохотлар, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, халқ фаровонлигини юксалтиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари, шунингдек, ҳар бир давлат органида ташкил этилган фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича махсус бўлинмалар аҳоли билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги самарали тизимини шакллантиришга хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси давлат бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилиш, «Электрон ҳукумат» ва давлат хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш, иқтисодиётга маъмурий таъсирини қисқартириш ҳамда бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш, соғлом рақобат муҳити ва қулай инвестиция иқлимини яратиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб берди.

Суд-ҳуқуқ тизимида судларнинг ҳаққоний мустақиллигини таъминлаш, суд кадрларини танлаб олишнинг демократик ва шаффоф механизмини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жойларда маъмурий ва иқтисодий судларнинг ташкил этилганлиги оид судловга эришиш даражасини ошириш имконини берди.

► Давоми 2-бетда.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ЎРТАСИДА ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ЎРНАТИЛГАННИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА

Ўзбекистон Республикаси билан Беларус Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганга 2018 йил 21 январь кунини 25 йил ўлиши муносабати билан икки давлат раҳбарлари бир-бирларини кутладилар.

Беларусь Президенти Александр Лукашенконинг мактубида бундай дейилади: «Беларусь Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганга 25 йил ўлиши муносабати билан табрикларини қабул қилгайсиз».

Беларусь раҳбари Беларус — Ўзбекистон ҳамкорлиги кўллаб муҳим йўналишларда изчил ривожланиб бораётганини чўқур мамнуният билан қайд этган.

Александр Лукашенко «ўзаро англашув, ишонч ва ҳурматга асосланган давлатлараро амалий мулоқот бундан кейин ҳам мамлакатларимизни барқарор ривожлантириш ҳамда беларусь ва ўзбек халқларининг фаровонлиги йўлида мустаҳкамлаиб бораверади», деб ишонч билдирган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўз мактубида мустаҳкам дўстлик ришталари, ўзаро ҳурмат ва қўллаб-қувватлаш, умумий манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланган Ўзбекистон — Беларусь ҳамкорлигининг бугунги

даражасини мамлакатимиз юксак кадрларини таъкидлаган.

«Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз ва кўп қиррали ҳамкорлигимизни кенгайтиришга бўлган ўзаро интилиш туфайли биз қисқа фурсатда аниқ натижаларга эришдик», дейилади мактубда.

«Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги ҳамкорлиқни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, уни аниқ амалий мазмун билан бойитиш учун олдимизда ҳамкорлигимизнинг мавжуд салохиятини тўлиқ ишга солишдек муҳим вазифа турибди, — деб қайд этган давлатимиз раҳбари. — Шу маънода, Сизнинг Ўзбекистонга ташрифингизни интизорлик билан кутяман. Бу бизга ўзаро муносабатларимизнинг барча жиҳатларини ҳар томонлама муҳокама қилиш, шунингдек, яқин йилларга мўлжалланган ҳамкорлигимизнинг истиқболли йўналиш ва лойиҳаларини белгилаб олиш имконини бериши шубҳасиз».

ЎЗА

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ҲАЛОҚ БЎЛГАНЛАРНИНГ ОИЛАЛАРИГА КОМПЕНСАЦИЯ АЖРАТИШ Тўғрисида ТОПШИРИҚ БЕРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига кўра, Қозғонистон Республикасининг Ақтобиск вилояти Иргиз туманида «Самара — Чимкент» автомобиль йўлида автобус ёниши оқибатида ҳалок бўлган 52 нафар Ўзбекистон Республикаси фуқароси оилаларининг барчасига бир марталик нафақа ажратилди, деб хабар беради

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати.

Маҳаллий ижро ҳқимияти органлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари ҳамда маҳалла фаоллари томонидан ҳалок бўлганларнинг оилаларига маънавий ва моддий ёрдам кўрсатишга бўйича зарур чоралар кўрилмоқда.

ЎЗА

## ■ ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШЛАРИ:

## Янги сайланган депутатлар иши қандай ташкил этилади?..

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича ўқув-семинар ўтказилди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий ва Тошкент шаҳар кенгашлари масъул ходимлари, ижрочи котиблар, Тошкент шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари иштирок этди.

Семинарда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида вакиллик органлари, депутатлар фаолиятини янги босқичга кўтариш муҳим масала эканига эътибор қаратилди.

► Давоми 3-бетда.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимини ислоҳ қилиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатда жиноятчиликнинг умумий кўрсаткичи 15,7 фоизга камайишига эришилди, 1,2 минг маҳалларда бирорта жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Илгари, асосан хавфсизликка хавф-хатар ва таҳдидлар оқибатларига қарши курашиш билан чекланган терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга ёндашувлар концептуал қайта қўриб чиқилди. Мазкур муаммоларни ҳал қилишда, биринчи навбатда, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва маънавиятини юксалтириш орқали одамларнинг онги учун курашиш устувор вазифа этиб белгиланди.

Ўз тақдирини Ўзбекистон билан боғлаган, мамлакатимиз фаровонлиги йўлида ҳалол ва виждонан меҳнат қилаётган, ўзларига боғлиқ бўлган ҳолатларга қўра фуқаролиги бўлмаган шахсга айланиб қолган фуқароларнинг ҳаётий муҳим масалаларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Утган даврда 1 243 нафар шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинди.

**Иқтисодий соҳада** кенг қўлмил ўзгаришлар амалга оширилди, энг аввало, Ўзбекистоннинг ўз мажбуриятларини бажариш ва чет эл ҳамкорларининг даромадларини репатриация қилиш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун шарт-шароитларни таъминловчи миллий валюта эркин конвертациясининг жорий этилганлиги бу борада муҳим қадам бўлди.

Давлат бюджетини шакллантиришнинг тамомла янги принциплари ва механизмлари жорий этилди, унинг даромад ва харажатлари шаффофлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Давлат активларини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш ва бюджетнинг даромад қисmini қўлайлаштиришга қаратилган ишга солинмаган заҳиралардан фойдаланиш чоралари қўрилди.

Биринчи босқичда — узоқ мuddатли (10-15 йилга мўлжалланган) тармок, ҳудудий ва мақсадли ривожланиш концепцияларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш, иккинчи босқичда — тармок, ҳудудий ва мақсадли лойиҳалар портфелларини тўзиш, унинг босқичда — ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш нaзaрдa тугуви «Ўзбекистон Республикасининг» ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришнинг мутлақо янги тартиби тасдиқланди.

**Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича комплекс тадбирлар**, биринчи навбатда, фуқароларни иқтимоий ҳимоя қилиш ва соғлигини сақлашни кучайтириш, аҳолини арзон ва сифатли дори воситалари билан таъминлаш, фуқароларнинг бандлиги ва реал даромадларини ошириш, арзон иқтимоий уй-жойлар қурилишини кенгайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Шаҳарлар ва қишлоқларда умумий турар жой майдони 3,5 миллион квадрат метрдан ортиқ бўлган намунавий ва кўп қаватли уйлар қурилди. Турар жой қурилиши ҳақлари 2010 йилга нисбатан 3,5 бараварга ошди.

Халқ билан мулоқот натижалари бўйича 11 йиллик умумий урта таъминоти қайта тиклаш ҳақида қарор қабул қилинди, олий таълим муассасаларига қабул қилишнинг шаффоф механизми жорий этилди ва квоталар жиддий равишда оширилди. Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди.

**Миллатлараро тинчлик ва тотувликни, пукта ўйланган ва ўзаро манфаатли ташки сийсат амалга оширилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар** қўрилганлиги натижа-сида қўшни давлатлар билан ишончли муносабатлар йўлга қўйилди. Марказий Осиё ҳудудидa савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратилди.

Фақат утган йилда 21 та олий даражадаги ташриф амалга оширилди, 60 та давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан урчушлар ўтказилди, 400 дан ортиқ келишувларга эришилди, 60 миллиард АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги битимлар имзоланди.

**Шу билан бирга, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ақунари ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида ўтказилган ишларнинг танқидий таҳлили аҳоли фаровонлигининг реал ўсишига ва жойларда ишлар ҳолатининг тубдан яхши-ланишига тўқинлик қилувчи қатор муаммоларни кўрсатиб берди.**

Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш юзасидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Қўйидагиларни назарда тутуви 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб қўйилади) иловага мувофиқ тасдиқланган:

**давлат ва жамият қурилиши тизимини тақомиллаштириш соҳасида** — давлат хизматининг нуфузи ва самарадорлигини ошириш, иқро этуви ҳоқимият органлари вазифа ва тузилмасини қайта қўриб чиқиш, вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳоқимияти органлари раҳбарларининг мустақиллигини ошириш, марказий органларнинг айрим ваколатларини маҳаллий ҳоқимият органларига ўтказиш, давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини, уларнинг сифати ва тезкорлигини тубдан ошириш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

**қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада тасҳ қилиш соҳасида** — фуқаролар шахсий ҳаёти даҳлсизлигининг конституциявий қафолатларини, шу жумладан, тингув ва телефон орқали сўзлашувларни эшитиб туришга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, Олий Мажлис ҳузурида Суд ҳоқимияти мустақиллигини таъминлашга қўмақлашиш бўйича комиссияни ташкил этиш орқали янада мустаҳкамлаш, миллий хавфсизлик органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш, вазифа сақлаш, тергов хизбоналари, ҳазони иқро таҳ муассасаларини видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати ҳодимларини мобиль видеокамералар билан таъминлаш, патруль хизматининг стационар постлари сонини оптималлаштириш;

**иқтисодийни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида** — фаол тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай ҳуқуқий, ташкилий шароитлар яратиш, инновацион гоёлар ва технологияларни жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий қафолатларини ва улар фаолиятига қонуний аралашиларнинг олдини олиш механизмларини, солиқ ва божхона сийсатини, банк-молия соҳасини янада тақомиллаштириш, агар секторни ислоҳ қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш, иқтисодиёт тармоклари ва соҳаларига имтиёзлар тақдим қилган ҳолда индивидуал имтиёзлар беришдан воз кечиш, ҳудудларни фаол ривожлантириш;

**иқтимоий соҳани ривожлантириш соҳасида** — иқтимоий ҳимоя қилиш ва фуқаролар соғлигини сақлашни янада кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, иқтимоий дорихоналарнинг ривожланган тармокни яратиш, аҳоли бандлиги ва фуқароларнинг реал даромадларини ошириш, «истеъмол саватчаси»ни аниқлаш, иқтимоий уй-жойлар қурилишини кенгайтириш, аҳолининг иқтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш;

**хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек, ташки сийсат соҳасида** — Ўзбекистон Республикасининг янги Миллий хавфсизлик концепциясини қабул қилиш, хорийқ шериклар билан ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш тизимини тақомиллаштириш, терроризм, экстремизм ва ахборот таҳдидларига қарши курашиш, миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик, диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, Ташки ишлар вазирлиги ва дипломатик ваколатхоналар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, хорийқ фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимининг

самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, ўзаро манфаатли ташки сийсатни давом эттириш, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш.

2. **Тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини текширишга икки йил мuddатта мораторий эълон қилинсин**, жиноят иши доирасида ва юридик шахс тугатилиши муносабати билан ўтказиладиган текширишлар бундан мустасно.

Белгилab қўйилсинки, 2018 йил 1 апрелдан бошлаб:

Назорат қилувчи органлар фаолиятини муво-фиқлаштирувчи республика кенгаши давлат солиқ хизмати органларининг бўшаётган 228 та штат бирликларини прокуратура органларига ўтказган ҳолда тугатилади;

адлия органларининг кичик бизнес, ҳусусий тадбиркорлик субъектлари, чет эл инвесторлари ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича бир-бирини тақорловчи функция ва ваколатлари чиқариб ташланади;

жиноят ишлари доирасида ўтказиладиган молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш) бир ойдан ошмаслиги лозим, алоҳида ҳолларда текшириш бир ойдан ортиқ бўлмаган мuddатта Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарлари томонидан узайтирилиши мумкин;

тадбиркорлик фаолиятини қоритишдаги ҳуқуқ-бузарликлар билан боғлиқ ҳолатлар бўйича жиноят ишларини кўзатиш фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг розилиги билан амалга оширилади;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотлар, ўтказилган текширишлар ва мониторинг (асос, текшириш ёки мониторинг ўтказиш вақти, уларни ўтказган ҳодимлар ва бошқалар) ва аниқланган ҳуқуқбузар-ликларни бартараф этиш бўйича қўрилган чора-лар тўғрисидаги ахборотлар мажбурий тартибда прокуратура органларининг махсус электрон ахборот тизимига киритилади.

3. **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳмаси икки ой мuddатда:** инновацион ва илмий фаолиятни давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлаш чора-лари, шу жумладан, инновацион лойиҳаларни фойсиз кредитлаш ҳамда инновацион лойиҳа-ларни кредитлаш учун тижорат банкларида давлат қафолатларини беришни ҳам назарда тутуви «Инновацион фаолият тўғрисида»-ги ва «Фан тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва кенг жамоатчилик муҳокамасидан кейин Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин;

маҳаллий лойиҳа ва пудрат ташкилотларининг ташки бозорларга чиқишини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар, замонавий халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда шаҳарсозлик норма ва қоидаларини тўлиқ қайта қўриб чиқиш, энергия тежамок технологияларни фаол жорий этишни назарда тутиб, қурилиш соҳасини инновацион ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва киритсин.

4. **Ўзбекистон Республикаси Ахборот техно-логиялари ва коммуникацияларини ривожлан-тириш вазирлиги** Бош прокуратура билан биргаликда бир ой мuddатда назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширишлар, мониторинг ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида аниқланган ҳуқуқбузарликларни бар-тараф этиш бўйича қўрилган чоралар ҳақидаги зарур ахборотларни доимий қиритиб боришни назарда тутуви махсус электрон ахборот тизи-мини ишлаб чиқсин ва жорий қилсин.

5. **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура-си бир ой мuddатда:**

Ўзбекистон Республикаси Ахборот техно-логиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан бир-галикда назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги қонун-бузилишлар ҳақидаги маълумотларни текшириш тартибини ишлаб чиқсин ва киритсин;

Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда тадбиркорлик фаолияти соҳасида ҳуқуқбузарлик-ларнинг олдини олиш мақсадида жамоатчилик

назоратининг таъсирчан механизмларини назарда тутуви қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

6. **Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси** Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш, қонун-чилик нормаларини етказиш ва тушунтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. **Ўзбекистон Республикаси Бош прокура-тураси** ҳар бир ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича айбдор шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги принципи сўзсиз амалга оширилишини таъмин-лаган ҳолда, тадбиркорлик фаолияти соҳасида, энг аввало, тадбиркорлик субъектлари, чет эл инвесторлари ва чет эл инвестицияси иштироки-даги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаат-ларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик ижроси услаб назоратни кучайтирсин.

8. **Белгилab қўйилсинки:** а) қўйидагилар 2023 йил 1 январга қадар мuddатга ягона иқтимоий тўловдан ташқари, барча турдаги солиқ ва мажбурий тўловлар тўлашдан озод қилинади;

иқрои технологияли тадбиркорлик лойиҳа-лари-стартларни биргаликда молиялаштириш учун ташкил қилинадиган венчур фондлар; венчур фондлардан биргаликда молиялаш-тириладиган иқрои технологияли лойиҳалар-стартлар;

илмий-тадқиқот муассасалари, инновацион марказлар, лойиҳа-конструкторлик бюрolari ўзларининг янги технологияларини тадбиркор-ларга сотишдан (фойдаланишга беришдан) олган даромадлар бўйича;

янги технологияларни маҳаллий тадбиркор-ликка трансфер қилуви ташкилотлар бу фаолият-дан олган даромадлари бўйича;

б) **Ўзбекистон Республикаси Ахборот техноло-гиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш** вазирлиги электрон тижорат соҳасида махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

9. **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги** Давлат дастурида белгиланган мuddатларда: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳоқимлик-лари билан биргаликда туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари — «Халқ қабулхоналари»-замонавий биноларнинг тасдиқланган намунавий лойиҳаларга мувофиқ қўрилиши ва жиҳозлани-шини таъминласин;

Ахборот технологиялари ва коммуникация-ларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпо-ғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят-лар ва Тошкент шаҳар ҳоқимликлари билан бир-галикда электрон навбат ва давлат хизматини кўрсатишнинг боришини масофадан видеоку-затиш тизимларини жорий этиш, олис аҳоли пунктларида мобиль давлат хизматлари марказ-ларини ташкил қилиш, шунингдек, мобиль алоқа воситалари орқали давлат хизматлари кўрс-атишни таъминласин.

10. Вақтинча ёки доимий пропискaсиз ёҳуд турган жойи бўйича ҳисобда турмаган фуқаро-ларни ишга қабул қилишга бўлган тақиқ, шунингдек, вақтинча ёки доимий пропискaсиз ёҳуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшаб турган фуқароларни ишга қабул қилганлик учун иш берувчининг жавобгарлиги бекор қилинсин.

11. **Ҳаракатлар стратегиясида** назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлан-тиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар Давлат дастурига киритилган тадбирларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини устидан таъсирчан назо-ратни, шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши тўғрисидаги умумлаш-тирилган ахборотнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ҳар чорақда тақдим этили-шини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳмаси давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳоқимияти органлари ҳамда бошқа

ташкитотларнинг Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириб боришни таъминласин.

12. Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун масъул давлат органлари ва ташкитотлар:

энг аввало, замонавий ишлаб чиқаришни жорий этишга мўлжалланган инновацион гоёлар ҳамда технологияларни, фаол тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга; ҳудудлар иқтимоий-иқтисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши ва аҳолининг ҳаёт даражаси ҳамда фаровонлигини оширишга қўмақлашувчи фан ва инновацион фаолиятни жадал ривожлан-тириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга; илгор фикрлайдиган, ташаббускор ва масъулиятли ҳодимлар ҳамда фуқароларни ҳар томонлама амалий қўллаб-қувватлашга;

**«Хар бир давлат хизматчиси ҳар куни ўзининг меҳнати билан эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини исботлаши шарт»** деган қоидаи рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратсин.

13. **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги** ва Инновацион ривожлантириш вазирлиги «Тараққиёт стратегияси» маркази билан бир-галикда:

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тизимли мониторинг қилинишини ҳамда у ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун қўшимча чора-тадбирларни кўриш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишлигини;

Давлат дастури амалга оширилиши ҳақидаги маълумотларнинг ҳар ой умумлаштирилишини ҳамда унинг ақунари аниқ кўрсаткичлар ва эришилган ижобий ўзгаришлар кўрсатилган ҳолда ўзларининг веб-сайтларида жойлаштирилишини; мониторинг натижалари ҳақида ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот қиритилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг ақунарига баянланган ахборот-таҳлилий обзор-ларнинг чет тилларда тайёрланиши, нашр эти-лиши ва кенг тарқатилишини таъминласин.

14. **Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги**, Ўзбекистон Миллий телерадиокмпанияси, Ўзбекистон Мабутов ва ахборот агентлиги Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкитотлари миллий ассоциацияси билан ўзаро яқин ҳамкорликда:

мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситалари ва интернет тармокда кенг тушунтирилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши ҳақидаги ҳолис, тўлиқ маълумотнинг кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказилишини таъминласин.

15. **Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:**

ушбу Фармоннинг мазмун ва моҳиятини, шунингдек, мамлакатнинг инвестициявий жозиба-дорлигини оширишга қаратилган зарур маълумот-ларнинг халқаро жамоатчиликка тизимли етказилишини;

Давлат дастурини амалга ошириш учун масъул давлат органлари ва ташкитотларига илгор хорийқ тажрибани ўрганишда ҳар томонлама қўмақлашини таъминласин.

16. **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги** Бош прокуратура ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳмасига тақдифлар киритсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг давлат маслаҳатчилари ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри,  
2018 йил 23 январь

Ш.МИРЗИЁЕВ

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»-ги Фармони

### ШАРҲ

Кейинги бир йилда Ўзбекистон давлат ҳоқимияти ва бошқаруви тизимида кенг қўлмил ижобий ўзгаришлар рўй берди, бунда асосий эътибор фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва аҳоли манфаат-ларини амалда таъминлашга қаратилди.

«Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун», «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», деган эзгу гоёлар Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида кўзда тутил-ган ислохотларни ҳаётга татбиқ этишнинг асосини ташкил қилди.

Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида давлат ва жамият қурилиши тизимини сифат жиҳатидан яхшилаш,

иқтимоий-иқтисодий соҳа, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, вазмин ва амалий ташки сийсат қоритишга қаратилган қатор аниқ ва амалий чора-тадбирлар қўрилди.

Шу билан бирга, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида қилинган ишларнинг танқидий таҳлили жойларда аҳоли фаровонлигини ошириш ва ишлар аҳволини тубдан яхшилашга тўқинлик қилаётган қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Давлатимиз раҳбари ўзининг 2017 йил 22 декабрь куни парламентга йўллаган тарихий Мурожаатномасида ҳам мавжуд ўткир муаммоларга эътибор қаратди, уларни ҳал этишнинг аниқ йўлларини тақдиф қилди.

Шу муносабат билан Ҳаракатлар стра-тегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион

гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб қўйилади) лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда 10-20 январь кунлари аҳоли ўртасида кенг ва атрофлиқа муҳокама қилинди.

Давлат дастури лойиҳасини муҳокама қилиш давомидa фуқаролардан 4,4 мингта тақдиф ва шарҳ келиб тушди, улардан Давлат дастурини тақомиллаштиришда фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 22 январь куни қабул қилнган Фармони билан Давлат дастури тасдиқланиб, унинг асосий йўналишлари ва уни амалга оширишнинг биринчи навбатдаги чора-тадбирлари белгиланди.

Фуқаролардан келиб тушган тақдифлар-нинг аксариятида кўрсатилган долзарб

муаммоларни ҳал қилишга оид алоҳида ҳуқуқий нормалар бевосита Фармоннинг ўзидa кўрсатилган бўлиб, уларнинг ижросини дарҳол таъминлаш шарт экани белгиланди.

Фармон билан **тадбиркорлик субъект-ларининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш бўйича икки йил мuddатта мораторий эълон қилинди. Эндиликда, Фармон эълон қилинган кундан бошлаб тадбиркорлик субъектлари назорат қилувчи органларнинг текширувларига вақт ва ресурс сарфламасдан ўз фаолиятини хотиржам амалга ошириш-лари мумкин.**

Яна бир муҳим янгилик — вақтинча ёки доимий пропискaсиз бўлмаган ёҳуд турар жойи бўйича ҳисобда турмаган фуқароларни ишга олишга оид тақиқ бекор қилинади. Ушбу

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармониغا ШАРХ

Давлат дастури 5 бўлимдан иборат. Давлат дастури доирасида 37 та қонун (Сайлов кодекси, «Давлат хизмати тўғрисида», «Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида», «Фан тўғрисида», «Инновацион фаолият тўғрисида»ги ва бошқаларни) ишлаб чиқиш, 142 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ҳамда турли соҳаларни қамраб оладиган 52 та амалий чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

**Давлат дастурининг биринчи бўлими давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришга бағишланган.**

Шубҳасиз, «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги муҳим қадам бўлади. Ушбу ҳужжат, аввало, давлат идораларида хизматни ҳақиқатдан нуфузли фаолиятга айлантиради, давлат хизматчиларининг меҳнат ҳақи ва ижтимоий ҳимояси учун муносиб тизим шакллантиради, юқлатилган вазифаларнинг сифатли ижроси учун давлат хизматчиларининг жавобгарлигини оширади. Эндиликда **ҳар бир давлат хизматчиси эгаллаб турган лавозимга муносиб эканини ҳар куни исботлаши шарт.**

**Давлат функциялари ва ваколатларининг амалдаги марказлашган тизимига барҳам берилади.** Биринчидан, ҳукуматнинг алоҳида функциялари, айниқса, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги вазифалари вазирлик ва

идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўтказилади. Иккинчидан, тегишли ҳудудда давлат сиёсатини амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш учун масъул мансбдор шахслар сифатида барча даражадаги ҳокимларнинг ваколатлари кенгайтирилади ва мавқеи мустақамланади.

Бундан пировард мақсад — ҳокимлар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юксалтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишни амалда таъминлаш имконини берадиган реал ваколатларга эга бўлишига эришиш.

Фуқароларнинг давлатни бошқаришда иштирок этишга бўлган ҳуқуқини рўйбга чиқаришнинг янги механизми сифатида **электрон жамоавий мурожаат қилиш — петиция** йўллаш тизими жорий қилинади. Ушбу тизим фуқароларга давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига аниқ саволлар қўйиш имконини беради, ушбу органлар эса фуқароларнинг маълум сони томонидан маъқулланган мурожаатлар юзасидан чора кўриши шарт бўлади.

Мазкур механизм туфайли фаол фуқаролар ва жамоат ташкилотлари турли муаммолар ечимини бўйича ташаббус кўрсатишлари мумкин. Шу орқали «Мамлакат ҳаётига алоқадор энг муҳим қарорлар бевосита мулоқот асосида қабул қилинади», деган тамойил амалда рўйбга чиқарилади.

**Давлат дастурининг набабтаги муҳим йўналиши қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишдир.** 2018-2021 йилларда жиноят ва

жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича концепцияни ишлаб чиқиш, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддатларини қайта кўриб чиқиш режалаштирилган. Жиноий ва маъмурий жавобгарликни либераллаштириш, процессуал нормаларни такомиллаштириш кўзда тутилган.

Дастлабки тергов устидан суд назоратини қўйишнинг учун тинтув ва телефон сўзлашувларини эшитишга санкция бериш ваколати судга ўтказилади.

Инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида тергов изоляторлари ва жазони ижро этиш муассасалари видеокузатув воситалари билан жиҳозланади.

Ички ишлар органлари йўл-патруль ва патруль-пост хизматларини улар фуқаролар билан муомала қилаётганда фойдаланиладиган видео-фиксаторлар билан таъминлаш кўзда тутилган бўлиб, бу нафақат фуқаролар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши, балки тинчлигимиз посбонлари томонидан ўз вазифасини суиистеъмол қилиши ҳолатларининг ҳам олдини олишга хизмат қилади.

Давлат дастурида прописки ва паспорт тизимини соддалаштиришга доир чора-тадбирлар ҳам кўзда тутилган. Хусусан, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописки бўлмаган фуқаролар иккиламчи бозорда кўчмас мулк харид қилиш имкониятига эга бўлади.

**Давлат дастурининг учинчи йўналиши иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга бағишланган.**

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш соҳасида илғор ғоялар, «смайт» технологиялар ва ноу-хауларга асосланган инновацион тараққиётнинг янги моделига босқичма-босқич ўтиш кўзда тутилмоқда.

Венчур фондлар, венчур молиялаштиришни ташкил этиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий асослар, шунингдек, иқтисодиётга инновациялар ва янги технологиялар жорий этишни рағбатлантирувчи механизмлар ишлаб чиқилади.

2023 йилнинг 1 январига қадар венчур фондлар, юқори технологияли стартап-ойнахоналар, илмий-тадқиқот муассасалари, инновация марказлари ва лойиҳа-конструкторлик бюраларига ўзларининг янги технологияларини тадбиркорларга сотиш (фойдаланиш учун тақдим этиш)дан тушган даромадлари бўйича солиқ имтиёзлари тақдим этилади.

Ер участкалари беришда шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш мақсадида интернет тармоғида электрон савдолар ўтказишни жорий қилиш режалаштирилган. Давлат активларини **электрон савдо майдонлари** орқали сотиш тизимини яратиш кўзда тутилмоқда.

Банклар ва банк фаолиятига доир қонунчилик тубдан қайта кўриб чиқилиб, соҳада «рақамли банкинг», «интернет-банкнинг» ва бошқа замонавий технологиялар татбиқ этилади.

Солиқ ва божхона сиёсатини такомиллаштириш ва оптималлаштириш, солиқ юқини камайтириш, солиқ ва божхона маъмуричилигини соддалаштириш бўйича ишлар давом эттирилади.

Туризм соҳасини ривожлантириш, кириш туризми ва ички туризмни ривожлантиришни рағбатлантириш, сайёҳлар учун маъмурий ва виза билан боғлиқ тартиботларни соддалаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

**Давлат дастурининг кейинги бўлими ижтимоий соҳани ривожлантиришга бағишланган.**

Аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромадларни аниқлаш бўйича «истеъмол саватчаси»га оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш назарда тутилган. Худудлар кесимида «истеъмол саватчаси»ни ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи, пенсия ва бошқа ижтимоий тўловлар миқдорини белгилаш тизимига босқичма-босқич ўтиш мўлжалланмоқда.

Тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш ва тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ишлар изчил давом эттирилади. Соғлиқни сақлаш соҳасига **«акли тиббиёт»** тизими, инновацион технологияларни жорий қилиш кўзда тутилмоқда.

Аҳолини арзон нархлардаги сифатли дори воситалари билан таъминлайдиган **2 мингта ижтимоий дорихона** ташкил этиш режалаштирилган.

Аҳоли, айниқса, ёш оилаларнинг арзон уй-жойга бўлган эhtiёжини таъминлаш мақсадида 2018 йилда бундай уйлари қуриш ҳажми **1,5-2 баробар** оширилади. Бу мақсадлар учун **5 триллион 286 миллиард сўм** маблағ йўналтирилади.

Аҳолини телекоммуникация хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш

учун чекка ҳудудларда **2000 километр оптик талаби алоқа линиялари** тортиш, интернет тезлигини 2,5 баробар ошириш ва **4 мингдан зиёд мобил алоқа таянч станцияларини** ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

**Давлат дастурининг бешинчи йўналиши — хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, вазмин, ўзаро манфаатли ва амалий ташкил сиёсат юритиш.**

Хусусан, хорижда яшаётган ва ишлаётган юртдошларимиз билан ҳамкорлик қилиш бўйича давлат сиёсати концепцияси ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.

**Экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолган** фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш, бундай фуқароларни соғлом муҳитга қайтариш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Диний маърифат тизими қайта кўриб чиқилиб, бу борада аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида олиб борилаётган ишлар самарадорлиги ва таъсирчанлиги кучайтирилади.

Мухтасар айтганда, Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишга 13,5 триллион сўм ва 1,3 миллиард АҚШ доллари йўналтирилади.

Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини амалда юксалтириш ва фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилашда муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилади.

### ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШЛАРИ:

# Янги сайланган депутатлар

иши қандай ташкил этилади?..



**Улугбек Вафоев,**  
**ЎЗХДП Марказий**  
**Кенгаши раиси ўринбосари:**

— 2017 йилнинг 30 августида «Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бундан



**Ҳайдар Бобохонов,**  
**ЎЗХДП Тошкент шаҳар**  
**кенгаши раиси, шаҳар**  
**Кенгашидаги ЎЗХДП**  
**гурухи раҳбари:**

— Сайлов партия ташкилотларимиз ўз устидан кўпроқ ишлаши кераклигини кўрсатди. Айниқса, айрим туман кенгашларидаги ҳодимларнинг етарли даражада малакага эга эмаслиги кўриниб қолди. Хато ва камчиликларимизни бартараф этиш чораларини белгилаб олдик.

«Давоми. Бошланғич 1-бета».

дан мақсад давлат ҳокимиятининг демократик асосларини, вакиллик органларининг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни амалга оширишдаги роли ва аҳамиятини янада мустақамлашди. 24 декабрда пойтахтимизда халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов муваффақиятли ўтказилди.

Энди пойтахтда яшовчилар сайланган вакиллари кўмағида муаммоларни ҳал этиш имконига эга бўлди. Ҳар бир туман, маҳалладаги муаммоларни шу ҳудудда яшagan фуқарогина яхши билади. Шундай экан, депутатлар ҳудудни ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўйишлари зарур. Электоратимизни ўйлантираётган муаммо ҳамда камчиликларни чуқурроқ ўрганиб, барча жабҳада қонун устуворлигини таъминлашда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш, ислохотлар самарадорлигини юксалтиришда депутатлик назорати таъсирчанлигини ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу борада барча депутатлардан ташаббускорлик ҳамда фаолликни кутиб қоламиз.

Тошкент шаҳрида 1090 бошланғич ташкилотга эгамиз. Улар билан ҳамкорлик алоқаларимизни яхшилаш учун доимий тадбирлардан ташқари, аҳоли орасига чуқур кириб боришимиз керак. Одамларнинг мушуқлини осон қилмасак, электоратимиз манфаатларини ишончли ҳимоя этолмасак, кутилган натижага эришиб бўлмайди.

Сайловга тўхтайдиган бўлсак, номзодлар ўзига юқлатилган вазифаларни ваколат доирасида амалга оширди. Уларга тарғибот тадбирларида, сайловчилар билан учрашув жараёнида кўндалма берилди. Лекин сайловда қўйилган тўлиқ очкилик ва шаффофликка эриша олмадик. Ваҳоланки, Президентимиз Тошкент шаҳридаги маҳаллий Кенгашларга сайлов республикадаги намуна бўлиши кераклигини таъкидлаган эди. Шунинг учун биз партияларнинг ўзларига қўйиб берилишини, ҳаққоний кураш натижасида устун келганлар сайловдан ўтишини кутамиз. Бу сайлов бизга яна бир катта сабак бўлди.

Сайлов қонунчилигига ҳам ўз тақлифларимизни бермоқчимиз. Қонунда белгилаб қўйилган билан уни амалга оширмасак, олдимизда турган вазифаларни тўлиқ баҳара олмайдимиз. Камчиликларни бартараф этиш, ҳодимлар малакасини ошириш ва муносиб номзодларни тайёрлаб бериш керак.



**Нигора Эшметова,**  
**Тошкент шаҳар**  
**Кенгашидаги ЎЗХДП**  
**гурухи аъзоси:**

— Олдимизда жуда муҳим вазифалар турибди. Буларнинг биринчиси халқ манфаати учун хизмат қилиш, улар билан доимий алоқада бўлиб, ечимини кутаётган масалаларни ўрганиб боришдан иборат. Хусусан, ҳар биримиз Ҳаракатлар стратегияси асосида ишимизни ташкил этишимиз ва бу борада аниқ режага эга бўлишимиз зарур.

Бунинг учун, аввало, янги сайланган депутатлар ҳамда партия ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш керак. Яъни, бошланғич ташкилотлар ҳалққа энг яқин бўгин сифатида одамларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиб, депутатларга тақдим этиши лозим. Аниқланган муаммолар ечимини юзасидан партия гурuhlари ҳамда доимий комиссия йиғилишларида ҳаётий тақлифлар бериб бориш талаб этилади.

“Электоратимизни ўйлантираётган муаммо ҳамда камчиликларни чуқурроқ ўрганиб, барча жабҳада қонун устуворлигини таъминлашда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш, ислохотлар самарадорлигини юксалтиришда депутатлик назорати таъсирчанлигини ошириш муҳим аҳамиятга эгадир.



**Боймурод Юсупов,**  
**ЎЗХДП Марказий**  
**Кенгаши бўлим мудири:**

— Тошкент шаҳар туман Кенгашларига сайланган депутатларнинг маҳорати, ўз иши бўйича тажрибаси юқори эканига ҳеч қандай шубҳа йўқ, албатта. Бирок уларнинг сиёсий партиялар ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, уларнинг фаолияти, ваколати ҳақидаги билим ва қўникмаларини бойитиб бориш талаб этилади. Улар партиямиз электорати манфаатларини жасорат билан ҳимоя қила олишида бу муҳим саналади. Шунинг учун ҳар бир депутатга услубий қўлланмалар тарқатилди. Партия ташкилотларимиз ҳамда фаоллар доимий равишда улар билан алоқада бўлиши иш самарадорлигини оширади, деб ўйлайман.

Бундан ташқари, партия кенгашларининг ижрочи котиблари депутатлик гурuhlари фаолиятини, нукта-назарини маҳаллий ижро ҳокимиятида ҳимоя қилишни ташкил этади. Кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан гурухнинг ягона позициясини ишлаб чиқади, аъзолар фаолиятини мувофиқлаштиришга кўмаклашади, тармоқлар бўйича дастурлар тайёрлаш ва маҳаллий қарорларни муҳокама қилиш жараёнида партия нукта-назари, электорат манфаатлари эътиборга олинмишида ҳам муҳим ўрин тутди. Демак, ижрочи котиб имкониятидан кенг ва умумий фойдаланиш зарур. Партия гурuhlари ижрочи котибларининг билим ва қўникмаларини шакллантириш ҳам долзарб вазифадир. Ҳар қандай масалада ҳамкорликда, ҳамфикрликда иш олиб борсак, ўйлайманки, ишимизда ўзгаришга эришамиз.



**Улугбек Ражабов,**  
**Мирзо Улугбек туман**  
**Кенгашидаги ЎЗХДП**  
**гурухи аъзоси:**

— Мана, сайлов ўтганига қарийб бир ой бўлди. Кўнгалга тугиб юрган масалалар бор. Шулар асосида депутатлик фаолиятини йўлга қўймоқчиман. Яъни, мактаб, лицей ва коллеж ўқувчиларининг қизиқишларини ўрганиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ўрганиб, тақлифлар ишлаб чиқмоқчиман.

Ўзим раҳбарлик қилаётган Мирзо Улугбек технология касб-хунаро коллежиде ижтимоий ҳимоя масалаларини кучайтиришга эътибор қаратамиз. Хусусан, муассасамизда тахсил олаётган 16 нафар меҳрибонлик уйи тартибнамуначилари билан янада кўпроқ ишлашимиз керак. Бугун ёшлар учун яратилган шароитлар барчага баробар эканини уларга тушунтириш, қизиқишларини рағбатлантириш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият беришимиз лозим.

Семинарда маҳаллий Кенгашлардаги партия гурuhlари иш самарадорлигини ошириш, партия ташкилотлари ҳодимларининг касбий маҳоратини юксалтириш, қонун лойиҳаларининг ҳаётлиқлигини таъминлаш масалалари юзасидан тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**  
**«Ўзбекистон овози»**  
**муҳбири.**

## ГРУЗИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида Грузия парламенти раиси Ираклий Кобахидзе бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Н.Иўлдошев билан суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Грузия ўртасида ўзаро ишонч ҳамда манфаатдорликка асосланган муносабатлар қарор топгани қайд этилди. Парламентлараро алоқаларни мустақамлаш орқали мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий, инвестициявий, туризм ва транспорт-логистика, транзит йўлакларини шакллантириш соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш истикболлари ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги турли соҳалардаги муносабатлар дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома асосида тараққий этмоқда. «Ўзбекистон — Грузия» дўстлик жамияти халқларимизнинг дўстона ва маданий алоқаларини мустақамлашга муносиб ҳисса қўшаётди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 сентябрь кунин Нью-Йорк шаҳрида Грузия Бош вазирини Георгий Квирикашвили билан учрашуви, шунингдек, парламентлар даражасидаги икки томонлама ташрифларнинг фаоллашгани сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик ривожига янги раҳ бағишлади.

— Дўстона алоқаларимиз парламентлараро доирада тараққий этаётганидан гоят манмунмиз, — деди И.Кобахидзе. — Бу келгусида мамлакатларимиз ўртасидаги истикболли лойиҳаларни амалга ошириш учун замин яратади. Бугунги ташрифимиз ҳамкорлик алоқаларини янада тараққий эттиришга хизмат қилишига ишонаман.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исmoilов билан учрашувда Ўзбекистон ва Грузия парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақамлашга хизмат қилаётган тадбирларни ташкил этиш, қонун ижодкорлиги бўйича тажриба алмашишга доир масалалар муҳокама этилди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан Грузия парламенти ўртасида Парламентлараро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Грузия парламенти раиси И.Кобахидзе бошчилигидаги делегация Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Хурриятимиз, порлок истикболимиз ва азгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва азгулик монументи пойига гул қўйди.

ЎЗА

# ХУШ КЕЛИБСИЗ, АФҒОНИСТОНЛИК ДЎСТЛАР!

Президентимиз ташаббуси билан Термиз туманида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.Махмудов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон Ислом Республикаси бўйича махсус вакили И.Эргашев, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги И.Мажидов, Афғонистон Ислом Республикаси Президентининг иқтисод ва инсон ресурслари бўйича катта маслаҳатчиси Хумоюн Қаюмий, Афғонистон Ислом Республикаси Президентининг МДХ давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича махсус вакили Муҳаммад Шокир Коргар, афғонистонлик талаба Рана Шерожд ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон қўшни давлатдаги вазиятни сиёсий йўл билан ҳал этиш, тинчликни таъминлаш, барқарорликни тиклаш, иқтисодиёт, таълим, фан, маданият ва бошқа соҳаларни ривожлантириш тарафдори бўлиб келмоқда. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида ҳам Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, афғон халқининг ўз тақдирини мустақил, тинч йўл билан ҳал қилишига эришиш масаласини халқаро миқёсда кўтаргани бунинг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистон кўмаги билан қўшни давлатда юқори вольтли электр энергияси ва оптик толали кабелъ линиялари, сув таъминоти тармоғи, кўприклар барпо этилган. «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти Хайратондан Мозори Шарифгача темир йўли линияси қурган. Мамлакатимиз қўшни давлатда тоғ-кон саноати, қурилиш, энергетика, таълим соҳаларидаги лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этаётган. Юртимиздан қўшни давлатга озиқ-овқат ва нефть маҳсулотлари, электр энергияси, минерал ўғитлар, транспорт воситалари экспорт қилинмоқда. Утган йили Термизда фойдаланишга топширилган «Termiz kargo» экспорт маркази ҳам мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари ва тadbirkorлари билан афғонистонлик ишбилармонларнинг ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга кенг имконият яратди.

Афғонистон Президенти Ашраф Ғанининг 2017 йил декабрь ойида мамлакатимизга ташрифи чоғида 20



дан ортиқ ҳужжат, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази ташкил этиш бўйича битим имзоланган эди. Шунга мурофи, қисқа вақтда мазкур марказ учун акратилган бино тўбдан реконструкция қилиниб, жаҳон андозаларига мос жиҳозланди.

— Бугун нафақат ёшлар, балки бутун Афғонистон халқи учун тарихий кун бўлди, — деди Афғонистон Ислом Республикаси Президентининг МДХ давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича махсус вакили Муҳаммад Шокир Коргар. — Давлатларимиз раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари халқларимиз ўртасида маълум муддат узилиб қолган аъёналарни қайта тиклади. Бобом бундан 110 йил илгари Бухорода мадрасада тахсил олган. Бугун бу масканнинг тантанали очилиши Амир Темур, Алишер Навоий, Беруний сингари кўп улуғ зотларнинг руҳини шод этди. Афғонистонда 7 миллионга яқин ўзбек миллигига мансуб аҳоли яшайди. Термизда барпо этилган ушбу таълим муассасаси мактаб ва боғчаларимиздаги ўзбек тили мутахассисларига бўлган эҳтиёжни таъминлайди. Келгусида темир йўл, энергетика ва бошқа соҳаларда ҳам малакали мутахассислар тайёрлаб беради. Бундай улуғ ишнинг ташаббускори бўлган

Президент Шавкат Мирзиёевдан бениҳоя миннатдоримиз.

Таълим марказининг илк талабалари ўзбек тили ва адабиёти йўналишига қабул қилинди. Улар икки йил давомида соҳа бўйича етук мутахассис бўлиб етишади.

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг бошқа соҳаларимиз қатори малакали кадрлар тайёрлаш масаласига қаратган бу эътиборини юксак қадрлаймиз, — дейди Афғонистон тижорат ва саноат вазирлиги масъул ходими Мусофир Қўҳоний. — Афғонистонда ўзбек тили учинчи давлат тили саналади. Бироқ, бу тилдан сабоқ берадиган мутахассислар жуда кам. Афғонистоннинг турли ҳудудларидаги ана шу талабни эътиборга олиб, келажакда мураббий бўлишни кўнглига туққан 100 га яқин ўғил-қиз ушбу марказда ўқишга жалб этилди. Айни пайтда дунёнинг бир қатор давлатларида минглаб афғон ёшлари таълим олиб, касб ўрганмоқда. Лекин, афғон ўғил-қизлари учун бирорта мамлакатда Ўзбекистондаги каби мухташам махсус таълим муассасаси йўқ. Бунинг учун Ўзбекистон раҳбариятига чуқур миннатдорлик билдирамыз.

Марказнинг кўп қаватли мухташам ўқув биноси, 110 ўринга мўлжалланган талабалар ётоқхонаси, ахборот-ресурс маркази, спорт зали ва спорт майдончалари, ошхона афғонистонлик талабалар учун хизмат қилади. Бино-

да қимм ва физика каби фанларни чуқур ўзлаштириш, темир йўл транспорти тизимини пухта ўрганиш учун лингафон хоналари, лабораториялар ташкил этилган. Маиший, савдо ва бошқа хизматлар кўрсатадиган шохобчалар мавжуд. Ахборот-ресурс маркази иқтисодий-техник ва ижтимоий-гуманитар йўналишлардаги фанлар бўйича етарли ўқув ва ёрдамчи дарсликлар, бадиий ва ижтимоий-сиёсий адабиётлар, Ўзбекистонда ишланган 50 дан ортиқ бадиий ва ҳужжатли фильмлар, аудио-тўпламлар дисклари билан тўлдирилган. Электрон кутубхона тизимига лотин алифбосидаги 700 дан зиёд электрон адабиёт жойлаштирилган. Икита инфокиоск ўрнатилиб, ўзбек ва дари тилларидаги Ўзбекистон рамзлари, маданий мерос, арбоблар, ифтихорларимиз, галерея бўлимларидан иборат дастурий таъминот ишлаб чиқилган.

— Мен бундай тинч-осуда юртга ўз она тилим бўйича мутахассис бўлиб камолга етиш орузида келганимдан фахрланаман, — дейди Фарёб виллоят Майманак шаҳридан Жамшид Шерожд. — Бу юрт Амир Темур, Беруний, Ибн Сино, Бобур каби буюк аждодларимизни камолга етказган. Бизни аэропортда тенгдошларимиз гуллар билан самимий қутиб олганидан жуда-жуда қувондик. Қадимий шаҳарни мориқиб томоша қилдик. Улуғ бобомиз Ҳаким ат-Термизий мажмуасини зиё-

рат қилиб, маънавий қувват олдик. Қизиқarli концерт дастурини мириқиб томоша қилдик. Бу ерда яратилган шароитлардан унумли фойдаланиб, келгусида шундай улуғ аждодларга муносиб ворис бўлишга интиламиз.

Дарвоқе, аввал хабар қилинганидек, 21 январь кун Термиз халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази қалдирғочларини давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, талаба-ёшлар карнай-сурнай садолари остида тантанали кутиб олди.

— Биз бир дарёнинг икки қирғоғида яшаб келаётган яқин қўшилларимиз, — дейди Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳридан Рухона Ҳакимий. — Ўзбекистоннинг биз, афғонистонлик ёшларга маърифат улашиш ва касб ўргатиш борасидаги эзгу қадамларидан ота-оналаримиз ҳам гоят хурсанд. Бизни қузатишар экан, Ўзбекистондаги тинчликнинг, тўқинликнинг абадий бўлиши ва бундан-да ривожланишини тилаб, дуо қилишди. Ўзбекистон ҳақида кўп эшитганмиз. Бугун гўзал бу юртининг муқаддас туғроғига беғубор орузлар билан қадам қўйдик. Тайёрамыз юртингизга қўниши биланок, ўзбекистонлик ўғил-қизларнинг бизни қучоқ очиб қутиб олганидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Улар билан дўстлашиб олдик. Бу юртдаги тинч ва осуда ҳаётга, тенгдошларимиз эришяётган ютуқларга ҳавасимиз келди.

— Бугун афғонистонлик қизлар билан яқиндан танишдик, дугоналаримиз сафи кенгайди, — дейди Термиз тиббиёт коллежи ўқувчиси Севара Самадова. — Уларнинг гўзал диёримиз, осойишта, мусаффо осмонимиз ҳақидаги илк таассуротларидан қувондик. Биз, Ўзбекистон ёшлари шундай обод, озор мамлакатда яшаётганимиз ва ён қўшилларимиз билан дўстлик алоқаларимиз янги босқичда ривожланиётганидан фахрланамиз.

Тантанали тadbир якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.Махмудов ҳамда Афғонистон Ислом Республикаси Президентининг иқтисод ва инсон ресурслари бўйича катта маслаҳатчиси Хумоюн Қаюмий янги таълим марказининг Фахрий меҳмонлар китобида дастахт ёзиб қолдириди.

Тadbирда Сурхондарё вилояти ҳокими Э.Турдимов сўзга чиқди.

Ҳолмўмин МАМАТРАЙИМОВ,  
ЎЗА мухбири.

## СПОРТ

### Шаҳрам Тунис гран-приси Ғолиби

Тунисда дзюдо бўйича жорий мавсумнинг илк нуфузли мусобақаси — Тунис гран-приси бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 45 дан зиёд мамлакатидан 350 нафарга яқин дзюдочилар Ғолиблик учун курашди.



Мусобақада 7 нафар спортчи билан иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси бир олтин ва бир бронза медалли билан умумжамоа ҳисобида 10-ўринни эгаллади. 66 килограмм вазн тоифасидаги вакилимиз Шаҳрам Аҳадов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди.

73 килограмм вазн тоифасида эса Мирзохид Фармонов бронза медаллини қўлга киритди.

### U-23 Осиё чемпионати: бугун ярим финал

Хитойда 23 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионати давом этмоқда. Бугун мазкур турнирнинг ярим финал учрашувлари бўлиб ўтди. Биринчи ярим финал ўйини Катар ва Вьетнам ўртасида Тошкент вақти билан соат 13:00 да бошланади. Иккинчи ярим финал учрашувида Ўзбекистон — Жанубий Корея терма жамоалари майдонга тушади. Ушбу ўйин Тошкент вақти билан соат 16:30 да бошланади.

Эслатиб ўтамиз, терма жамоамиз чорак финалда япониялик тенгдошларини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ярим финал йўлланмасини қўлга киритган эди.

Ўз мухбиримиз.

Қизилтепа туманининг аҳоли тигиз яшайдиган Тошрабод қишлоғида саккиз ой ичида «Тошрабод текстиль» корхонаси қуриб ишга туширилди. 1,5 гектар майдонни эгаллаган, лойиҳа қиймати 14 миллиард сўмни ташкил қиладиган корхонада 1000 дан зиёд иш ўрни яратилди. Маҳаллий ҳомашё асосида ишлаб чиқариладиган трикотаж маҳсулотларининг 85-90 фоизи экспортга йўналтирилади.

## РЕКЛАМА

# ЗАВОД «KRANTAS»

Производит и реализует под заказ:



- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- ▶ Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

## ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.  
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

## РЕКЛАМА

Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари диққатига!

### «Uzvtormet» МЧЖ

2015-2016-2017 йиллар мобайнида топширилган қора металл парчалари ҳисобига ҳосил бўлган қарздорликни бартараф этиш мақсадида бир ой ичида мурожаат қилишингизни сўрайди.

Мурожаат учун манзил: 100154, Тошкент шаҳри, Жанубий саноат ҳудуди. Тел: (0371) 150-15-72

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши Миришкор туман партия кенгаши Фаоли, меҳнат фахрийси Нурмамет РУСТАМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

«GROSS INSURANCE» МЧЖ жамоаси компания ходими Баҳодир БУХАРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

## O'ZBEKISTON OVOZI

### MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

### TAHRIR HAY'ATI:

|                    |                  |                                                         |
|--------------------|------------------|---------------------------------------------------------|
| Hotamjon KETMONOV  | Muslihiddin      | Farrux HAMROYEV<br>(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari) |
| Ulug'bek VAFOYEV   | MUHIDDINOV       | Tat'yana KISTANOVA<br>(Bosh muharrir o'rinbosari)       |
| Saidkamol XODJAYEV | Ochilboy RAMATOV |                                                         |

Qabulxona — 233-65-45  
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56  
Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55  
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

### MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

A — 138. 13956 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 01:50.

Topshirilgan vaqti — 02:55

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:  
Ravshan SHODIYEV  
Sahifalovchi-dasturchilar:  
Zafar BAKIROV  
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5